

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ХАЛИЛОВА ЗИЛОЛА ЭРКИНОВНА**

**1945–1991 йилларда Ўзбекистонда ислом дини  
таълимининг ҳолати ва тарихшунослиги**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по историческим наукам**

**Content of the abstract of doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Халилова Зилола Эркиновна**

1945–1991 йилларда Ўзбекистонда ислом дини таълимининг ҳолати  
ва тарихшунослиги .....3

**Халилова Зилола Эркиновна**

Исламское религиозное образование в Узбекистане в 1945–1991 гг:  
состояние и историография .....23

**Khalilova Zilola Erkinovna**

Islamic Religious Education in Uzbekistan: the Milieu and State of the Art,  
1945–1991 .....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications .....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**ХАЛИЛОВА ЗИЛОЛА ЭРКИНОВНА**

**1945–1991 йилларда Ўзбекистонда ислом дини  
таълимининг ҳолати ва тарихшунослиги**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Таг77 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация ЎЗР Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алимова Дилором Агзамовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шадманова Санавар Базарбаевна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Мунавваров Зоҳилло Иномходжаевич**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc. 06.01.2018. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси 5-уй, Тарих институти 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: [info@uzhistory.uz](mailto:info@uzhistory.uz). Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси билан)

**А.С. Сагдуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор, академик.

**М.Х. Пайзиева**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
т.ф.н.

**А.Х. Дониёров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё динлари қадимдан инсониятнинг маънавий-руҳий камолотга эришиш йўлларини кўрсатиб беришга хизмат қилиб келган. Бироқ, сўнгги йилларда иқтисодий ва сиёсий манфаатлар тўқнашуви туфайли “диний фактор”, жумладан, ислом дини турли сиёсий кучларнинг қўлида асосий қуролга айланиб қолди. Бунинг бош сабабларидан бири эса, диний таълимнинг етарли эмаслиги, ислом дини асосларининг бузиб талқин этилишидир. Шу жиҳатдан, ислом таълимининг тарихий жараёнлардаги ўрнини алоҳида кўриб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Жаҳоннинг бир қатор тадқиқот марказларида турли йўналишларда, жумладан, педагогика соҳасида ислом таълимининг ўқитиш назарияси ва методологик жиҳатларини такомиллаштириш, этно-психологияда ислом таълимининг шахс, жамият руҳиятига таъсирини аниқлаш, сиёсатшунослик фани доирасида таълимни ташкил этишда давлат ва дин муносабатларини, унинг ҳозирги ҳолати ва тараққиёт истиқболларини таҳлил қилиш ҳамда диншуносликда ислом динининг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий асосларини ва юз берган трансформация жараёнларни ўрганиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, ислом дини ва маданиятининг жамият маънавий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб, қатор ислом таълим марказлари ва ўқув юртлари таъсис этилди. Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Халқаро Ислом академияси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари бугунги кунда миллий ғоя ва маданий-маънавий қадриятларимизни тиклаш ва тарғиб қилишга катта ҳисса қўшмоқда. Ёшларнинг тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш, “динимиз тарихи, буюк алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улуғ олиму-уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганиш”<sup>2</sup> вазифасининг кун тартибига қўйилиши ислом таълими соҳасида янги илмий изланишларни талаб қилади. Шу жиҳатдан, турли тарихий даврларда, жумладан, Ўзбекистонда 1945–1991 йилларда ташкил этилган ислом таълими муассасалари фаолиятини тарих ва тарихшунослик нуқтаи назаридан, янги архив ҳужжатларига таянган ҳолда, тарихий жараёнлар контекстида таҳлил қилиш Ўзбекистоннинг ислом қадриятларини сақлаб қолишдаги ҳиссасини чуқур ва ҳар томонлама ёритиш имконини беради.

<sup>1</sup> Center of Islamic studies at University of Cambridge, The Institute for the Study of Muslim Societies & Civilizations at Boston University, The Duke Islamic studies Center USA, Institut für Studien der Kultur und Religion des Islam, Islamic studies program Indiana University, Comparative Muslim Societies program Cornell University, The Oxford Centre for Islamic studies, Department of Arabic and Islamic Studies at Georgetown University, The Center for Islamic Sciences in Canada, The Center for Islamic studies in Australia, London etc.

<sup>2</sup> [Электрон ресурс:] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 сентябрь Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/1063> <https://president.uz/uz/lists/view/1018>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги 364-сон “Дин соҳасидаги маданий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги, 2004 йил 1 мартдаги 99-сон “Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақида қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги ПП-3080-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-маърифий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси**<sup>3</sup>. Ўзбекистон тарихида ислом дини ва унинг турли масалалари ҳозиргача исломшунос ҳамда тарихчилар орасида қизиқарли масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, кейинги йилларда совет ҳукумати томонидан олиб борилган диний сиёсат халқаро анжуманларда таҳлилга тортилиб, бу сиёсатнинг моҳияти янги ёндашувлар асосида баҳоланмоқда<sup>4</sup>. Мазкур масаланинг айрим жиҳатлари совет даврида ислом дини масалалари билан шуғулланган хориж, рус ва маҳаллий тадқиқотчилар ишларида тўхталиб ўтилган, уларни хронологик ва муаммовий жиҳатдан таҳлил этиш мумкин. Бироқ, бу 1945–1991 йиллардаги диний таълим ҳолати, шунингдек, ислом таълим муассасалари фаолиятининг барча жиҳатларини очиқ бериш учун етарли эмас. Бу эса, муаммони алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тарих институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф1-ФА-О-79985/ФА-Ф1-Г023 “Ўзбекистонда таълим тарихи ва тарихшунослиги: тажриба, муаммолар, ривожланиш ва

<sup>3</sup> Муаммонинг батафсил тарихшунослик таҳлили 1.3. параграфда келтирилади.

<sup>4</sup> Халқаро конференциялар «Languages of Soviet Islam: Ideologies, Networks and Practices», Санкт Петербург 20-22 апрель 2016 йил; International Workshop «Authority in Islam: Dialectics of Fragmentation & Plurality in Muslim Eurasia» Indiana University in Bloomington, Indiana, March 24-25, 2017; Summer school The centre of Islamic Studies at the University of Erfurt 12-25 August 2018, International conference “The University Question in Caucasia and Central Asia from the Middle of the 19th Century until the Foundation of the First Universities” Munich, Germany 8-10 October 2018.

ўрганиш” (2012-2016 йй.) номли фундаментал илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** 1945–1991 йилларда Ўзбекистонда ислом таълим муассасалари фаолиятини очиб бериш ва муаммонинг тарихшунослигини ёритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

диний таълим тарихига доир тадқиқотларда илгари сурилган концепцияларнинг асосий моҳиятини аниқлаш;

ислом таълими тарихига оид манба ва адабиётларни туркумлаш ҳамда тасниф қилиш;

ўрганилаётган муаммога доир ҳали тадқиқотга жалб этилмаган архив маълумотларини илмий истеъмолга киритиш;

Совет ҳукуматининг дин соҳасида олиб борган сиёсатининг мазмуни ва моҳиятини мавжуд тадқиқотлар таҳлили асосида очиб бериш;

муаммо юзасидан хорижда яратилган тадқиқотларни аниқлаш, уларнинг дин ва диний таълим масаласидаги қарашлари моҳиятини кўрсатиш;

Ўзбекистонда XX асрнинг иккинчи ярмидаги сиёсий ҳолат ва унинг диний ташкилотларга таъсири масаласини жаҳондаги тарихий жараёнлар контекстида ёритиб бериш;

совет ҳукуматининг дин соҳасида олиб борган ички ва ташқи сиёсатида таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

Мир Араб, Бароқхон мадрасалари ва Тошкент Ислом институти ўқув-тарбиявий ишларини тадқиқ этиш орқали Ўзбекистондаги диний таълимнинг ҳолатини ёритиш;

мадраса талабаларининг кундалик ҳаётини ўрганиш орқали мавжуд тузумнинг қоида ёки тақиқларини, ахлоқ-одоб қоидаларини кўрсатиб бериш;

муаммонинг социологик ва психологик жиҳатларини таҳлил қилиш;

совет йилларида Ўзбекистоннинг ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссасини ислом таълим муассасалари мисолида тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1945–1991 йилларда ислом диний таълими тарихи ва тарихшунослиги белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни совет йилларида динга нисбатан олиб борилган сиёсат, ислом муассасалари фаолияти таҳлил қилинган адабиётлар ва архив материаллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда герменевтика, таққослаш, сон ва сифат анализи, синтез, оғзаки тарих (интервью орқали) ва фанлараро ёндашув усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ССР нинг ислом таълим муассасаларида ал-Азхар, ал-Қаравайийн, Бенгази, Уммудурмон сингари хорижий университетларнинг таълим дастурлари асосида иш юритилганлиги ва шу орқали собиқ Совет Иттифоқи билан араб давлатлари ўртасида дўстона муносабатлар йўлга қўйилганлиги ҳамда диний таълим тизимида “анъанавий” билан бирга “замонавий” таълим шаклларида қўлланганлиги аниқланган;

Ўзбекистонда ташкил этилган таълим муассасаларининг “сиёсий объект” вазифасини бажарганлиги, яъни “халқаро туризм” маскани сифатида Совет Иттифоқининг Шарқ мамлакатлари (Миср, Сурия, Иордания, Марокаш, Судан) билан олиб борган халқаро алоқаларини мустахкамлашга, улар ўртасидаги маданий алмашинувни таъминлашга хизмат қилганлиги ва Ўзбекистондаги бир гуруҳ талабаларнинг хориж ислом университетларида малака оширишларига имконият яратганлиги асослаб берилган;

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний бошқармасининг дин ва маънавий кадриятларни сақлаб қолишдаги аҳамияти, жумладан, собиқ Совет Иттифоқи республикалари ҳамда Болгария, Вьетнам, Яман, Афғонистон каби давлатларига диний ходимларни тайёрлашда қўшган салмоқли ҳиссаси расмий ҳужжатлар асосида далиллаб берилган;

хориж (инглиз-америка) тадқиқотларида советология йўналишида давлатнинг ислом дини ва таълимига доир сиёсатини баҳолашда бир томонлама танқидий ёндашувлар устун эканлиги, Ватан ва Россия тарихшунослигида эса, исломшунослик йўналишида муаммонинг ижобий ва салбий жиҳатлари нисбатан холисона баҳоланганлиги кўрсатиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

диссертацияда илк бор илмий таҳлилга тортилган фото материаллар, архив ҳужжатлари ва кинофильмлар асосида 1945–1991 йилларда Совет ҳукуматининг Ўзбекистондаги диний сиёсати, диний таълим муассасаларидаги ўқув жараёни ва унга таъсир кўрсатган ижтимоий-сиёсий омиллар, юзага келган оқибатлар очиб берилган. Аниқланган янги маълумотлар ҳамда хорижий ва маҳаллий тарихшунослик таҳлили диний таълим тарихининг нисбатан кам ўрганилган ва муаммоли жиҳатларини, асосий назарий-услубий ёндашувларни, ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг истиқболли масалаларини кўрсатиб беришда асос бўлади;

Мир Араб ва Бароқхон мадрасалари, Тошкент ислом институти фаолияти, жумладан, таълимнинг йўлга қўйилиши, ўқув-тарбиявий ишлар, мударрис ва талабаларнинг ижтимоий ҳаёти, институт талабаларининг хориж ислом университетларидаги таҳсилни кўрсатувчи бир қатор янги материалларнинг илмий муомалага киритилиши Ўзбекистон замида таълим тарихини ёритувчи ҳужжатли фильмлар яратишда таянч манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда муаммонинг мазмунини очиб беришда ЎзР МДА, ЎзР кинофонофотоҳужжатлари МДА фондлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси архиви материалларидан фойдаланилганлиги, ўрганилаётган мавзуга оид хорижда яратилган ишларнинг таҳлил қилинганлиги, шунингдек, тадқиқотда мазкур йилларда таҳсил олган собиқ талабалар билан “oral history” (интервью) усули асосида олиб борилган суҳбат натижалари, фанлараро тадқиқот услубларига таянилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ислом диний таълими тарихи ва



тарихшунослигини архив ҳужжатлари, интервью натижалари билан қиёсий тадқиқ этиш диншунослик, сиёсатшунослик, педагогика, этнология йўналишида давлатнинг “дин ходими”ни тарбиялаш мақсадида олиб борган тадбирлари мисолида Ўрта Осиё, Қозоғистон ҳамда Россияда XX аср иккинчи ярмида юз берган сиёсий жараёнлар тарихини аниқлашга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда ислом таълим муассасалари тарихини ўрганишга мўлжалланган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишида ўз аксини топади. Шунингдек, тадқиқот материаллари ва хулосаларидан “Ўзбекистон тарихи”, “Ислом тарихи”, “Диншунослик” ҳамда тарихшунослик йўналишлари бўйича махсус курс, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1945–1991 йилларда Ўзбекистонда ислом дини таълимининг ҳолати ва тарихшунослигини ўрганиш юзасидан олинган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Ўзбекистонда 1945–1991 йилларда дин соҳасида давлатнинг олиб борган сиёсати ва бу жараёнда Мир Араб, Бароқхон мадрасалари, Тошкент Ислом институти фаолиятининг ташкил этилиши жамиятда маънавий-маданий қадриятларни қайта тикланишига хизмат қилганлиги борасидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон ислом цивилизацияси марказининг илмий концепциясини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон ислом цивилизацияси марказининг 2018 йил 16 февралдаги 53/18-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши совет йилларида ташкил этилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг ислом қадриятлари ва диний таълимотини сақлашдаги аҳамиятини кўрсатиб беришда асос бўлган.

XX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бошқармасининг Шарқ мамлакатлари билан олиб борган халқаро алоқалари, Тошкент ислом институти бир гуруҳ талабаларининг хориж ислом университетларидаги фаолиятига доир маълумотлар Ўзбекистон Мусулмонлари идораси Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ҳузурида ташкил этилган музей экспозицияларини яратишда қўлланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йил 11 июндаги 1252-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар мураккаб ва зиддиятли даврда диний бошқарманинг кадрлар тайёрлаш тажрибасини ёритишда далил бўлган.

Совет давлатининг ислом дини соҳасида олиб борган сиёсати ва унинг диний таълим муассасаларига таъсири юзасидан олинган илмий хулосалар Австрия Фанлар академияси Эроншунослик тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган “Seeing Like an Archive: Documents and Forms of Governance in Central Asia” лойиҳасида фойдаланилган (2018 йил 23 майдаги Австрия Фанлар академияси Эроншунослик институти маълумотномаси). Тадқиқот натижалари совет йилларида ислом ва давлат муносабатлари, бу сиёсатнинг моҳияти, мадрасалар ва ислом институти фаолиятини очиқ беришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг натижалари 4 та халқаро («Конструирова «советское»? Политическое сознание, повседневные практики, новые идентичности» (Россия, Санкт-Петербург, 2016), «Religious Education between Radicalism and Tolerance» (Австрия, 2018), «Мир востока и мир запада: проблемы и перспективы» (Уфа, Россия 2018), «Perspectives of science and education» (Нью-Йорк, АҚШ 2018) ҳамда 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш эълон қилинган, шу жумладан – Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 150 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва ўрганилиш зарурати асосланиб, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий моҳияти кўрсатилиб, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар қайд қилинган.

Диссертациянинг **“Ислом диний таълим масаласининг назарий-манбавий асоси ва илмий ёндашувлар”** деб номланган биринчи бобида тадқиқотчи ислом таълими педагогикаси назарияси, муаммонинг манбашунослик ва тарихшунослигига доир илмий ёндашувларни таҳлил этган.

Диссертацияда ислом таълими педагогикасида таълим назариясига доир ишлаб чиқилган турли концепцияларни Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилган ислом таълим муассасалари ҳолати мисолидаги ғоявий йўналишлари тадқиқ этилади. Жумладан, ислом таълимининг ташкил этилишига кўра қуйидаги 3 та таълим моделининг муҳим жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Анъанавий диний таълим – бу йўналиш вакиллари ислом таълимининг асосий хусусиятлари бўлган араб тили, дастлабки ислом манбалари, Қуръон, шариатни ўрганиш лозимлигини муҳим ҳисоблайди. Бироқ, улар диний таълимда дунёвий таълим элементларини қўшишни салбий баҳолайдилар<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup> Бу ҳақда тўлиқроқ: Абазов Р.Ф., Абазова А.Ф. Исламские университеты и реформирование системы высшего образования в мусульманском мире // Социологические исследования. – 1996. №5. – С. 133-139.; Зеленов Е.И. Феномен исламского образования // Азия и Африка сегодня. – 2015. №10. – С. 25-31.;

Масалан, Ўрта Осиё мисолида таълимнинг бундай кўриниши VII асрдан XX аср бошигача мавжуд бўлиб, рус шарқшунослари<sup>6</sup> ва хориж тадқиқотчилари томонидан анъанавий таълим ўқитиш методларига нисбатан танқидий ёндашувлар қайд этилади<sup>7</sup>.

Ислом таълими педагогикасида кенг қўлланилаётган таълим усулининг иккинчи модели – модернизм ёки замонавий ислом таълими деб аталади. Бу йўналиш вакиллари дастлабки мусулмон диний таълимотини талқин қилишда замонавий жамиятдаги ривожланишни, инсоният цивилизацияси ва мусулмонларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаларини, исломнинг анъанавий тартибларига содиқ қолиб, мусулмон маорифининг ривожда дунёвий таълим элементларининг зарурлигини қўллаб-қувватлайдилар. Модернизациялашган ёки замонавийлашган ислом таълимининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у сиёсатга нисбатан конструктив позицияда бўлиб, сиёсий-ғоявий қарашларнинг таълим тизимига киритилишини назарда тутди<sup>8</sup>.

Ғарб тарихшунослигида ислом дунёсидаги таълим борасидаги ислохотлар ва унинг йўналишларини таҳлил қилган тадқиқотчилар томонидан анъанавий ислом ва ислохотчилик ҳаракатлари турлича баҳоланган<sup>9</sup>.

XX асрда ислом дунёсида рўй берган модернизм ўзгаришлари ислом таълимида ҳам акс этган. Ушбу жараёнларда ислом таълимининг трансформациясини кузатиш мумкин. Айнан шу йилларда эски диний таълим анъаналаридан фарқ қилган ҳолда, хориж ислом университетлари томонидан замонавий таълим методлари орқали диний таълимни дунёвийлик билан бирга олиб бориш юзасидан ҳаракатлар олиб борилган. Масалан, ал-Азҳар университети 1961 йилда Миллий университетлар таълим тизимига киритилган бўлса, 1970 йилларда Иордания ислом университетида “америкача” таълим тизими қўлланилиб, Суриянинг Дамашқ университетида диний фанлар билан биргаликда дунёвий фанларнинг ўқитилиши, хорижий тилларнинг ўрганилишига алоҳида эътибор берилганлигини кузатиш мумкин<sup>10</sup>.

Юқорида келтирилганидек, анъанавий ва модернизм таълим усулидан фарқ қилган, учинчи таълим модели фундаментал ислом таълими деб номланади. Бундай ислом таълими тарафдорлари ислом диний таълимотини радикал талқин қилишни ижобий баҳолайдилар. Бироқ, улар мусулмон ва

---

Бордовская Н.В., Реан А.А. Педагогика. Учебник для вузов – СПб: Питер, 2000. – 304 с. (Серия «Учебник нового века») – С. 86-88.

<sup>6</sup> Бобровников Н. А. Русско-туземные училища, мектебы и медресе Средней Азии.–СПб., 1913.–185 с.; Граминский С. М. Положение инородческого образования в Сырдарьинской области.– Ташкент, 1916. – 113 с.

<sup>7</sup> Encyclopedia Britannica. Ahmad Shalaby, History of Muslim Education (1954, reissued 1979) <http://m.eb.com/topic/179408#47444.toc>

<sup>8</sup> Даудов Р.Х. Место и роль традиционализма и модернизма в исламской онтологии // Фундаментальные исследования. – 2014. №11-3. – С. 684-689.

<sup>9</sup> Қаранг: Adeeb Khalid. Islam after Communism. Religion and Politics in Central Asia. – London, 2007. – 241 p.; Paolo Sartori. Ijtihad in Bukhara: Central Asian Jadidism and Local Genealogies of Cultural Change // Journal of the Economic and Social History of the Orient. 2016. – P. 193-236.

<sup>10</sup> Мадраса талабаларининг хориж ислом университетларидаги таҳсил ҳисоботидан. Қаранг: ЎзР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 587-ийғмажилд, 55-56-варақлар.

бошқа халқларнинг маданий ютуқлари, анъанавий урф-одатларига салбий муносабатда бўладилар. Фундаментал ислом таълимининг асосий жиҳати унинг сиёсийлашгани бўлиб, унинг моҳияти сиёсий мақсадларни амалга ошириш жараёнида диний нормаларни махсус усул билан тарафдорларининг онгига сингдириш ва ҳарбий кўпорувчилик ҳаракатларида фойдаланиш ҳисобланади<sup>11</sup>.

Муаммонинг манбашунослик таҳлилига кўра, совет йилларида Ўзбекистонда ташкил этилган ислом таълим муассасалари тарихини ўрганишда турли кўринишдаги манба ва адабиётларни характерига кўра тавсифлаш мумкин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг жамғармаларида<sup>12</sup>, ЎзМДА кинофотофоно ҳужжатлари архиви, шунингдек, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси архиви жамғармаларида 1945–1991 йиллар дин ва унинг таълими масаласига доир қимматли материаллар сақланиб, улар ўзида кўплаб факт ва статистик маълумотларни жамлайди. Муаммонинг манбавий асосини расмий ҳужжатлар, тарихий ва публицистик адабиётлар<sup>13</sup>, статистика кўринишидаги ҳужжатлар<sup>14</sup>, кундалик<sup>15</sup> ва хотиралар, даврий матбуот материаллари, бадий асарлар<sup>16</sup>, визуал ҳужжатлар (“Ислам в СССР”, “Памятники Ислама в СССР”, “Московская соборная мечеть”, “Советские мусульмани в годы войны” фильмлари), фотосуратлар ҳамда шахсий суҳбат натижалари ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқоридаги ҳужжатларнинг барчасида келтирилган маълумотлар расмий кўринишда бўлиб, уларни тарихийлик нуқтаи назаридан объектив деб қабул қила олмаймиз. Совет йилларида ташкил этилган ислом таълим муассасалари фаолияти давлатнинг назоратида бўлган ва бу жараёнда ҳар икки томоннинг ўзаро қизиқишлари асосидаги манфаатлар кўзда тутилган. Шунга кўра, ҳисобот, ёзишма, талабаларнинг хатлари – барчаси совет бюрократик тизими қолипида тайёрланган ва уларни бошқа турдаги манбалар билан солиштириш орқали тарихий ҳолисликни тиклаш мумкин бўлади.

<sup>11</sup> Бабаджанов Б.М. Ферганская долина: источник или жертва исламского фундаментализма? // Россия и мусульманский мир. – 1999. №12. – С.106-117.; Олимов М., Олимова С. Политический ислам в современном Таджикистане // Ислам на постсоветском пространстве: взгляд изнутри. - М.: Арт - Бизнес — Центр, 2001. – С. 185-204.; Абашин С. Исламский фундаментализм в Центральной Азии: причины распространения, прогнозы на будущее // Центральная Азия и Кавказ. – Лулео, 2002. №2. – С. 54-65; Ланда Р.Г. Политический ислам: предварительные итоги. – М.: ИБВ, 2005. – 286 с.; Нанаева А.К. Движение исламских фундаменталистов в южном регионе Центральной Азии: Дисс. канд. ист.наук... – М., 2009. – 166 с.

<sup>12</sup> ЎзР МДА Р-2456 жамғармаси (“Уполномоченный Совета по делам религий при Совете Министров СССР по Узбекской ССР”)да 1 та рўйхат, 783 та йиғмажилд сақланиб, унда 1944-1990 йиллар оралигида ЎОҚМБ ва унинг фаолиятидаги таълим масаласига доир ҳужжатлар жамланган. ЎзР МДА Р-2574 фонди, яъни, ЎзССР Диний ишлар вакилиги раиси, полковник Ш.Ширинбоевнинг шахсий фонди жамғармалари.

<sup>13</sup> Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. – Тошкент, Шарқ. 2003; Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислам тарихи. 1-2 китоблар. – Тошкент: Hilol Nashr. 2017. – 544 б; Умурзоқов Б. Ҳазрати Эшон. Тарихий қисса. – Тошкент, Наврўз, 2014. – 64 б.; Мухитдинов Н.А. Кремлда ўтган йилларим.– Тошкент, 1996. – 368 с.

<sup>14</sup> ЎзР МДА, Р-2456 жамғарма, 1-рўйхат, 310-йиғмажилд, 61-70-варақлар.

<sup>15</sup> Бобохонов Ш. Сўнмас зиё. Шайх Зиёвуддинхон ҳазратларининг ҳаёт ва фаолиятлари. – Тошкент, Маънавият. 1998. – 144 б.; Ўша муаллиф. Муфтий Зияуддинхан ибн Эшон Бабахан (Жизнь и деятельность). – Тошкент, 1999. – 351 с.; Идрисов У. Бухарские воспоминания. 20 лет служения имамом. – Н. Новгород: ИД Медина, 2007. – 228 с.

<sup>16</sup> Усмонхўжаев А. Дарёдил аллома. Рисола. – Тошкент, Фафур Ғулом нашриёти, 2017. – Б. 149-150.

Диссертациянинг тарихшунослик қисмида ислом диний таълими тарихига доир тадқиқотлар таҳлил қилиниб, мазкур мавзу юзасидан турли кўринишдаги адабиёт ва тадқиқотларни хронологик ва муаммовий жиҳатлари ўрганилган. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида совет йилларидаги ислом таълимининг турли масалалари тарихшунослигини тадқиқ этишда уларни хронологик жиҳатдан икки қисмга бўлиб ўрганиш, яъни 1945–1991 йиллар ва 1991–2019 йилларда яратилган тадқиқотларни алоҳида таҳлил этиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган. Сабаби, 1945 йилда сиёсий вазият тақозоси билан совет давлати томонидан янги типдаги ислом муассасалари фаолияти ташкил этилган ва ислом таълими тарихида янги давр бошланган эди.

XX асрнинг иккинчи ярмида жамиятдаги сиёсий ўзгаришлар ва атеистик ғоя тарғиботи янги кўринишдаги адабиётларни вужудга келтирди. Улар коммунистик партия мафкураси ва ғоявий таъсири остида яратилиб, ислом дини тарихига оид адабиётлар “Лекторга ёрдам” рукни остида рисола сифатида нашр этилган. Исломнинг ёйилиши ва унинг ижтимоий вазифаси Т. Саидбоев, О. Сухарева, М. Жалолов, А. Аҳмедов, Р. Мавлютов, У. Юсуповларнинг илмий тадқиқотларида ислом тарихи атеистик қарашлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинади<sup>17</sup>.

Айтиш мумкинки, муаммонинг айрим жиҳатлари хориж тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, совет йилларида ҳукуматнинг ислом динига нисбатан муносабати XX асрнинг 2-ярмида АҚШ ва Буюк Британиядаги Марказий Осиёни тадқиқ этувчи институтларда ўрганилиб, советология йўналишида қатор тадқиқотларни юзага келтирди. Хориж тадқиқотчилари А. Беннигсен<sup>18</sup>, Ж. Уилер<sup>19</sup>, У. Коларз<sup>20</sup>, С. Уимбуш<sup>21</sup>, М. Олкотт<sup>22</sup> каби олимларнинг изланишларида совет ҳукуматининг диний

---

<sup>17</sup> Мазкур турдаги китобларнинг кириш қисмида “Брошюра рассчитана на агитаторов и пропагандистов, на широкие массы читателей” деб қайд этилади. Бу ҳақда қаранг: Юсупов У. О религии и антирелигиозной пропаганде. – Ташкент, 1940. – 42 с.; Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Ташкент, 1960. – 85 с.; Мавлютов Р.Р. Ислам. – М., 1974. – 168 с.; Саидбаев Т.С. Ислам и общество. Опыт историко-социологического исследования. – М., 1984. – 302 с.; Ахмедов А. Ислам и современной идейно политической борьбе. – М., 1985. – 240 с.; Джалолов М. В тени ислама. – Ташкент, 1987. – 104 с.; Саидбаев Т.С. Диалоги об исламе. – Ташкент, 1988. – 74 с.

<sup>18</sup> Bennigsen. A (co-authorship Lemercier-Quelquejay Ch). Islam in the Soviet Union. – New York: Praeger, 1967. – 272 p., Bennigsen A., Wimbush S.E. Muslim National Communism in the Soviet Union. A Revolutionary Strategy for the Colonial World. – The University of Chicago Press, 1979. – 267 p.

<sup>19</sup> Wheeler G. Russia and Islam: new trends in soviet policy // Central Asian Review. – Oxford, 1956. – Vol. 4. – № 1. – P. 1-3.; Ўша муаллиф. The modern history of Soviet Central Asia. – New York: Frederick A. Praeger, 1964.; Ўша муаллиф. The Russian Presence in Central Asia // Canadian Slavonic Papers. – Carleton University, 1975. – Vol. 17. – № 2-3. – P. 189-217.

<sup>20</sup> Kolarz W. Islam in the Soviet Union, 1917-1960. – Karachi-Dacca, 1960. – 72 p.; Ўша муаллиф. Religion in the Soviet Union. – New York: St. Martin' Press, 1961. – 518 p.; Ўша муаллиф. Russia and her colonies. – Hamden, Conn: Archon Books, 1967. – 334 p.

<sup>21</sup> Wimbush S.E. The politics of identity change in soviet central Asia // Central Asian survey. – London, 1984. – Vol. 3. – № 3. – P. 69-78.; Ўша муаллиф. The Soviet Muslim Borderlands / The Last Empire. Nationality and the Soviet Future. Edited by Robert Conquest. – California: Hoover Institution Press, 1986. – P. 218-234.

<sup>22</sup> Olcott M.B. Soviet Islam and world Revolution // World Politics. – 1982. – Vol. 34. – № 4. – P. 487-504; Ўша муаллиф. Women and Society in Central Asia // Soviet Central Asia. The Failed Transformation. Edited by William Fierman. – Boulder: Westview Press, 1991. – P. 235-254.

таълим соҳасида тутган йўли ва бу борада амалга оширилган тадбирлар орқали давлатнинг диний сиёсатига баҳо берилади.

1991 йилдан сўнг совет республикалари сиёсий жамиятида юз берган ўзгаришлар, мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши тадқиқотчиларга илгари кўпчилик учун ёпиқ бўлган архив ҳужжатлари ва бошқа турдаги манбалардан кенг фойдаланиш имкониятини берди. Бу борада Б. Бабаджанов, А. Мўминов, У. Ғафуров, А. Тоғаева, Р. Юсупов, А. Салмонов, Ҳ. Йўлдошхўжаев каби тарихчиларнинг совет йилларида ислом дини тарихининг айрим масалаларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларини алоҳида айтиб ўтиш лозим<sup>23</sup>. Тадқиқотлар орасида совет давлатининг дин сиёсатининг хорижий тарихшунослиги Х. Абдурасулова, Ўзбекистон маданияти контекстида ислом динига ёндашувлар Н. Мустафаеванинг диссертацияларида таҳлил қилинади<sup>24</sup>.

Совет даврида ислом диний таълими масалаларига оид тадқиқотлари орасида М. Кемпер таҳрири остида нашр этилган тўплам муҳим аҳамиятга эга. Унда Ўзбекистонда совет йилларида ташкил этилган мадраса таълими, Имом Бухорий номидаги Ислом институти ва унинг фаолияти таҳлиliga бағишланган мақола А. Мўминов, У. Ғафуров ва Р. Шигабдиновлар ҳаммуаллифлигида ёзилган<sup>25</sup>. Шунингдек, хориж тарихшунослигида Ж. Тровер<sup>26</sup> бу йўналишда уриниш амалга оширган бўлса, Эрен Тасар Совет Ўзбекистонидagi расмий мадрасалар фаолиятини ёритувчи мақолада диний таълим сиёсатининг баъзи жиҳатлари юзасидан фикр мулоҳазалар билдирган<sup>27</sup>.

---

<sup>23</sup> Бабаджанов Б. О фетвах САДУМ против «неисламских» обычаев // Ислам на постсоветском пространстве: взгляд изнутри. Под ред. А. Малашенко и М. Олкотт. – М.: Арт-Бизнес-Центр, 2001. – С. 170-184; Бабаджанов Б. Паоло Сартори. У истоков советского дискурса о "хорошем исламе" в Центральной Азии // *Ab Imperio*, 2018, №3. – С.219-255.; Ғафуров У. Тошкент ислом институти: Барокхондан Имом Бухорийгача // Тошкент Ислом Университети илмий таҳлилий ахборотномаси. 2002, 1-сон. – Б. 8-13; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда диний таълим тарихини ўрганиш масалалари // Тошкент Ислом университети илмий таҳлилий ахборотномаси. 2003, 3-сон. – Б. 32-36; Тоғаева А.З. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (САДУМ) тарихидан // «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар» мавзусидаги анъанавий конференция материаллари. – Тошкент, 2010. – Б. 223-227.; Ўша муаллиф. 1940-1970 йилларда Ўзбекистонда диний таълим тизими ҳолати // Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги замон. Илмий тўплам. Тошкент, 2011. – Б. 116-120.; Салмонов А.М. Ўзбекистонда мусулмон диний муассаса ва ташкилотлар фаолияти тарихи (1917-1950).: Автореф. тарих фан. ном. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий ун-ти, 2008. – 33 б.; Юсупов Р.М. Ўзбекистонда XX асрнинг 40-80 йилларида мусулмон диний ташкилотлари ва уламолар фаолияти (МДА маълумотлари асосида): Автореф. тарих фан. ном. – Тошкент: М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий ун-ти, 2008. – 33 б.; Йўлдошхўжаев Ҳ., Қаюмова И. Ўзбекистон уламолари. – Тошкент: Movarounnahr. 2015. – 496 б.

<sup>24</sup> Абдурасулова Х.И. Ислам и религиозная политика в Узбекистане в 1940-1980-е годы: анализ англо-американской историографии: Тарих фан.ном. ... дисс. – Тошкент, ЎЗР ФА Тарих институти, 2011. – 165 б.; Мустафаева Н.А. Мустамлака ва совет даври тарихшунослигида Ўзбекистоннинг XX аср маданияти: Тарих фан. доктори .... дисс. – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий ун-ти, 2016. – 300 б.

<sup>25</sup> Muminov A., Gafurov U., Shigabdinov R. Islamic Education in Soviet and post Soviet Uzbekistan // "Islamic Education in the Soviet Union and its Successor States" Edited by Michael Kemper, Raoul Motika and Stefan Reichmuth, – New York, 2010. – P. 223-280.

<sup>26</sup> Throver J. Notes on Muslim theological education in the USSR in the 1980s // Political and economic trends in Central Asia. – Edited by Shirin Akiner. – London, New York: British Academic Press, 1994. – P. 175-180.; Ўша муаллиф. The Religious History of Central Asia from the Earliest Times to the Present Day. Studies in Asian Thought and Religion. – New York: The Edwin Mellen Press, 2004. – Vol. 27. – 281 p.

<sup>27</sup> Eren Tasar. The Official Madrasas of Soviet Uzbekistan // Journal of the Economic and Social History of the Orient. 2016. – Vol.59. – P. 265-302.

Россия тарихшунослигида Д.Ю. Арапов<sup>28</sup>, Г.Р. Балтанова<sup>29</sup>, В.А. Ахмадуллин<sup>30</sup>, С.М. Прозоров<sup>31</sup>, В.Бобровников<sup>32</sup>, Л.А. Королева<sup>33</sup>, А.К. Бустанов<sup>34</sup> тадқиқотларида ҳам совет йилларида ислом дини ва давлат муносабатларининг турли жиҳатлари таҳлил қилинади. Бироқ, бу 1945–1991 йилларда Мир Араб, Барокхон мадрасалари, Тошкент Ислом институти фаолиятини тарих ва тарихшунослик таҳлили асосидаги хулосаларни бермайди ва бу муаммонинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш муҳимлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Совет давлатининг ислом дини ва таълимига оид сиёсатидаги ўзгаришлар”** деб номланган иккинчи бобида Совет давлатининг ислом дини ва таълимига муносабати ҳамда унинг тарихшунослиги тадқиқ қилинган. Унда Совет давлати томонидан диний соҳада, айниқса, ислом динига оид сиёсатда “алоҳида” муносабатнинг юзага келганлиги адабиётлар асосида таҳлил қилиниб, бу жараёнда ўлка маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган маориф тизими ҳолати кўрсатиб берилган.

Совет йилларида ислом дини тарихини ўрганган тадқиқотчилар (А. Беннигсен, Ж. Уилер, Э. Уимбуш, Я. Рой, А. Холид, Д. Арапов, В. Ахмадуллин, Л. Королева, Н. Мустафаева, Х. Абдурасулова<sup>35</sup>, Р. Ҳакимов<sup>36</sup>) ушбу даврнинг зиддиятларини турлича баҳолаганлар. Бундай тадқиқотларда асосий эътибор кўпроқ ислом дини ва унинг ҳолатини ўрганишга қаратилган бўлса-да, ёндошувларда танқидий, қарама-қарши фикр ва мулоҳазалар илгари сурилади.

---

<sup>28</sup> Арапов Д.Ю. Ислам и советское государство (1917–1936) Сборник документов. – М., 2010. Вып.2. – 208 с.; Ўша муаллиф. Ислам и советское государство (По материалам Восточного отдела ОГПУ. 1926 г.) Сборник документов. Вып.1. – М., 2010. – 152 с. (Ислам в России и Евразии); Ўша муаллиф. Ислам и советское государство (1944–1990) Документы. – М., 2011. – 529 с.

<sup>29</sup> Балтанова Г.Р. Ислам в СССР: Анализ зарубежных концепций. – Казань: Казанского университета, 1991. – 147 с.

<sup>30</sup> Ахмадуллин В.А. Типичные ошибки исследователей, изучающих исламское образование в СССР // Пространство и время. Post scriptum: переводы, рецензии, мнения. 3(13) 2013. – С. 235-238.; Ўша муаллиф. Деятельность советского государства по организации хаджа советских мусульман в 1944 году // Власть. 2013. № 6. – С. 162-164.

<sup>31</sup> Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Под. ред. С.М. Прозорова. – М.: Восточная литература РАН, 2006. Том 1. – 655 с.

<sup>32</sup> Бобровников В.О. Безбожники рисуют ислам: советская (анти)религиозная пропаганда в комментариях востоковеда // <http://propagandahistory.ru/2011/Islam-v-sovetskoy-propagande/>; Ўша муаллиф. Мусульмане Северного Кавказа: обычай, право, насилие (Очерки по истории и этнографии права Нагорного Дагестана). – М.: Восточная литература, 2002. – 368 стр.; Ўша муаллиф. Muslim Nationalism in the Post-Soviet Caucasus: Dagestan // Central Asia and the Caucasus. – 2000, no.1. – P. 93-104.

<sup>33</sup> Королева Л.А., Королев А.А. Ислам в СССР: некоторые аспекты государственно–религиозной политики// Альманах современной науки и образования. – Грамота, 2008. № 6 (13): в 2-х ч. Ч. I. – С. 110-112.

<sup>34</sup> Alfrid K. Bustanov and Michael Kemper. Islamic authority and the Russian language: Studies on texts from European Russia, the North Caucasus and West Siberia. – Amsterdam 2012. – P. 416.; Ўша муаллиф. Ислам и русский язык: социолингвистические аспекты становления общероссийского исламского дискурса // Казанское исламоведение. 2015. №1. – С. 211-221.; Женщина и ислам: сб. ст. / под ред. А. К. Бустанова. – М.: Дизарт Тим, 2017. – 72 с.

<sup>35</sup> Абдурасулова Х.И. Ислам и религиозная политика в Узбекистане в 1940-1980-е годы: анализ-англо американо-американской историографии. – Ташкент, 2011.– 108 с.

<sup>36</sup> Ҳакимов Р.Ш. Религиозная политика государства в отношении мусульманских общин: роль уполномоченных совета по религиозным культурам Урала (1944-1965 гг.) // Вестник Челябинского государственного университета. История. Вып.54. – 2013. №6. – С. 103-109.

Муаммога доир ўрганилган тадқиқотларнинг характерли томони шундаки, мавжуд тузумнинг сиёсий аҳволини таҳлил қилган муаллифлар мавжуд фактик материалларни ўрганган ҳолда давлатнинг турли йилларда динга нисбатан олиб борган сиёсатига оид ўз хулосаларини берадилар. Хусусан, совет ҳукуматининг динга бўлган муносабати мунтазам равишда ўзгариб тургани, ҳукумат томонидан баъзи йилларда динни чеклаш ва таъқиб қилиш сиёсати амалга оширилгани, баъзан диний сиёсатда ички ва ташқи сиёсий аҳволни ҳисобга олган ҳолда “юмшатишлар даври” ҳам бўлиб тургани қайд этилади.

Мавзуга оид маҳаллий адабиётларда<sup>37</sup> келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида XX асрнинг 20-йилларида мадраса ва турли диний ва тарихий бинолар яшаш уйлари, омборхона, қамоқхона, музей, маданият хоналарига айлантирилган. Диндорлар таъқиб қилиниб, диний китоблар реакцион деб эълон қилинган. Ҳукуматнинг ислом таълимига нисбатан олиб борган бу муносабати Иттифоқдаги мусулмон аҳолиси кўп бошқа республикаларда ҳам кузатилади<sup>38</sup>.

Тадқиқотчилар (А. Беннигсен, Д. Арапов) 1928 йилдан II жаҳон урушигача бўлган даврни “исломни, шунингдек СССРдаги бошқа динларни таъқиб ва қувғин қилиш, ёки шафқатсизлик билан тор-мор қилиш даври”, – деб изоҳлайдилар. Чунки бу йилларда ўлкадаги барча масжид, мадрасалар оммавий ёпилган, дин вакиллари қатағон қилинган, диний тузилмалар тугатилган эди.

Аксарият адабиётларда (А. Беннигсен, Х. Липсет, Я. Рой, У. Коларц, А. Холид, Ш. Акинёр, Д. Арапов, Н. Мустафаева) кейинги йиллар, айниқса, II жаҳон уруши йилларида давлатнинг ислом динига бўлган муносабатларига алоҳида эътибор қаратиб, уруш ва халқаро сиёсий аҳвол СССР ҳукуматини дин борасида, хусусан, ислом дини ва таълими борасида ҳам ён беришларга олиб келганини таъкидлашади.

Бунинг асносида 1942-1943 йилларда Совет Иттифоқидаги қатор шаҳарларда (Буйноқ, Боку, Уфа) мусулмон диний марказлари очилишига руҳсат берилиб, 1943 йилда Тошкентда расмий Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (кейинги ўринларда – ЎОҚМБ) ташкил этилади.

Диний бошқарма Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхоннинг<sup>39</sup> саъй-ҳаракати билан 1943 йил 20 октябридан расмий фаолият олиб бора бошлаган.

<sup>37</sup> Jo'rayev N., Karimov Sh. O'zbekiston tarixi: O'zbekiston Sovet mustamlakachiligi davrida. – Toshkent, Sharq. 2011. – B. 414-415.

<sup>38</sup> Usmanova D., Minnulin I., Mukhametshin R. Islamic Education in Soviet and Post-Soviet Tatarstan // Islamic Education in the Soviet Union and its Successor States. Ed. Michael Kemper, Raoul Motika and Stefan Reichmuth. – New York, 2010. – P. 21-67.; Bogomolov A., Danylov S. Islamic Education in Ukraine... – New York, 2010. – P. 67-107.

<sup>39</sup> Бабахановы // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып. 4. – М.: Восточная литература. 2003. – С. 12-14; Йўлдошхўжаев Х., Қаюмова И. Ўзбекистон уламолари. – Тошкент, Movogounnahr. 2015. – Б. 65-81.



1957-1982 йилларда уни З.Бобохонов<sup>40</sup>, 1982-1989 йилларда Ш.Бобохонов<sup>41</sup>, 1989-1993 йилларда Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф<sup>42</sup> бошқарган.

Хориж даврий нашрларида ҳам давлатнинг дин соҳасидаги фаолиятига танқидий баҳо берилиб, совет ҳукуматининг турли йилларда олиб борган диний сиёсати натижасида Диний бошқарма давлатнинг мақсадларини амалга оширувчи восита вазифасини бажариб келгани, давлат ва ташкилот ўртасида ён босиш (компромисс)га келишув икки томонлама бўлиб, совет ҳукумати мусулмон Диний бошқармаларни ташкил қилишда ўз мақсадларини кўзлаган бўлса, мусулмон уламолари ислом динининг яшаб қолиши ва мавжудлигини таъминлаш мақсадида ён беришга ҳаракат қилгани қайд этилади<sup>43</sup>. Таъкидлаш лозим, урушдан кейинги йилларда бу мусулмон фуқароларга “виждон эркинлиги”ни бериш ёки расмий равишда ислом таълим муассасалари фаолиятига 1945 йилда Бухородаги Мир Араб мадрасаси, 1956-1961 йилларда Тошкентдаги Бароқхон мадрасаси, 1971 йилдан Тошкент ислом институти рухсат берилишида кўзга ташланади. Аммо ушбу таълим муассасаларининг фаолияти доимий равишда махсус органларнинг назорати остида бўлиб<sup>44</sup>, бундай назорат фанларнинг ўқитилиши, талабалар ва ўқитувчилар таркиби, таълимнинг ташкил этилиши сингари ҳолатларда кўзга ташланади.

Муаммонинг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, адабиётларда муаллифлар фақат давлатнинг мазкур соҳадаги сиёсатини баҳолаган ҳолда, таълим муассасалари фаолиятини фақат эслатиб ўтиш билан чегараланадилар. Сўнгги йилларда яратилган тадқиқотларда (А. Мўминов, У. Ғафуров, Э. Тасар, В. Ахмадуллин, Х. Йўлдошхўжаев) ислом дини таълими юзасидан янги талқин ва қарашларни кузатиш мумкин.

Диссертациянинг **“Ислом таълимининг институционал ривож: тарихий-манбавий таҳлил”** деб номланган учинчи бобида архив ҳужжатлари ва адабиётлар таҳлили асосида Мир Араб ва Бароқхон мадрасалари, Тошкент ислом институти фаолияти, ўқув дастурининг тузилишида давлат диний сиёсатининг таъсири, дарсликлар аҳволи, мадраса таълим жараёнидаги муаммо ва камчиликлар, талаба ва мударрисларнинг ижтимоий ҳаёти, талабаларнинг хориждаги таҳсили ва бу жараёнда Ўзбекистон уламоларининг фаолияти ёритилган.

1945 йил 10 октябрда Халқ комиссарлар советининг №14808-р рақамли буйруғига биноан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқарма-

<sup>40</sup> Бобохонов Ш. Сўнмас зиё. Шайх Зиёвуддинхон ҳазратларининг ҳаёт ва фаолиятлари. – Тошкент, Маънавият. 1998. – 144 б.; Шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон // Замонамиз уламолари. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. Таҳр. З.Мунавваров ва бошқ. – Тошкент, 2001. – Б. 6-26; Турсун А. Улуғларни эласак раҳмат ёғилар // Ҳидоят. 2006, 8-сон. – Б. 8.

<sup>41</sup> Усмонхўжаев А. Шамсиддинхон Бобохонов ибрати // Ҳидоят. 2012, 4-сон. – Б. 22-23; Усмонхўжаев А. Дарёдил аллома. Рисола. – Тошкент, Ғафур Ғулом нашриёти. 2017. – Б. 149-150.

<sup>42</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып.4. – М.: Восточная литература. 2003. – С. 53-55.

<sup>43</sup> Islam: Im Hinterzimmer // Der Spiegel. – 1979. №6. – P.130-132.

<sup>44</sup> 1944 йилда СССР Министрлар Совети таркибида Дин ишлари бўйича Кенгаш тузилди. СССР ХКСнинг 1944 йил 20 майдаги ва ЎзССР ХКСнинг 1944 йил 9 августдаги қарорларига асосан республикада Диний ишлар кенгаши вакиллиги таъсис этилди. Қаранг: Арапов Д.Ю. Ислам и советское государство (1944-1990) Документы. – М.: Марджани, 2011. – С. 14-17.

